Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 145 (21. 244) 1992 йил 24 июль, жума

БАҲОСИ 2 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ХУШХАБАРЛАР

Тўсиқ қўйилмоқда

● Ўзбекистон металлургия заводининг электр-пўлат эритиш, мартен цехларида, шунингдек, темир йўл станциясидаги автотарозиларда стационар дозиметрия асбоблари ўрнатилди.

Бу ерга МДҲнинг турли минтақаларидан минглаб тонна хом ашё ва материаллар — темир-терсак, ўтга чидамли материаллар, ферро қуймалар келиб туради. Кўпинча материаллар таркибида кўп миқдорда радиоактив моддалар бўлгани ҳолда келтирилади-ки, завод лабораторияси маълумотлари ана шундан далолат беради.

Бекободлик дозиметриячилар илгари ҳам назорат ишлари олиб боришар, зарур чоралар кўришар эди. Аммо эндиликда «ифлос» хом ашёга ишончли тўсиқ қўйилди. Махсус асбоблар радиоактивлик даражаси юқорилигини бир зумда пайқаб олади, товушли сигнализация автоматик тарзда ишга тушади. Радиоактив моддалар билан зарарланган хом ашё олиб келинган юклар орасидан ажратиб олиниб, зарарсизлантирилади.

Бўрсилдоқ нонлар

● Чирчиқ шаҳар дўконлари харидорларга эндигина печдан чиққан бўрсилдоқ буханка нонлар, батонлар, булочкалар ва яна ўнлаб хил нонларни таклиф қилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси яқиндагина ишга туширилган кичик новвойхоналарнинг маҳсулотидир. Новвойхоналар энг замонавий техника билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш линиялари чет элдаги иккита машҳур компания — Югославиядаги «Гостол» ва Германиядаги «Винклер» кампанияларидан сотиб олинган. Бундай кичик корхоналарда нон ёпиш учун саноқли дақиқаларгина кифоя. Тайёр маҳсулот шу заҳотиёқ новвойхона ҳузурида очилган дўконларга келиб тушади. Харидорларга хизмат кўрсатишнинг бундай шакли навбат кутишдан батамом қутилишга имкон берди.

Республика шаҳарларида ҳозирги вақтда ўн бешта ана шундай новвойхоналар бор. Тошкент, Гулистон, Самарқанд, Нукус, Хоразмда бундай новвойхоналар ишлаб турибди. Тез орада Навоийда, Тошкент вилоятининг бир қанча шаҳарларида ҳам нон ёпадиган кичик корхоналар ишга тушади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

1992 йил 22 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукумат делегацияларининг амалий учрашуви бўлди.

Россия Федерацияси томонидан музокараларда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари А. Н. Шохин, Россия Федерацияси Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик давлат комитетининг раиси В. М. Машиц, Россия федерал миграция хизматининг раҳбари Т. М. Регент, вазирликлар ва идораларнинг бошқа масъул ходимлари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси томонидан музокараларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлари Б. С. Ҳамидов, Қ. Ж. Ҳаққулов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов, ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов иштирок этдилар.

Россия Федерациясининг ҳукумат делегациясини Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов қабул қилди. Россия ҳукуматининг вакиллари билан батафсил суҳбат чоғида Президентлар Б. Н. Ельцин ва И. А. Каримов 1992 йил 30 майда Москвада имзолаган Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома икки давлатнинг ўзаро муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққани зўр мамнуният билан қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси тенг ҳуқуқли дўстона давлатлар сифатида ўз муносабатларини ривожлантирмоқдалар, бу эса иккала давлат халқларининг туб манфаатларига мос келади.

Томонлар Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага асосланган битимлар рўйхатини белгилаб олдилар, мазкур ҳужжатларни бир ой муддатда тайёрлаш ва келишиб олиш учун экспертларнинг қўшма ишчи гуруҳларини тузишга қарор қилдилар.

Томонлар Тошкентда Россия элчихонасини таъсис этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун яқин вақт ичида музокара олиб боришга келишиб олдилар.

Россия ва Ўзбекистон ҳукумат делегациялари ўртасидаги музокаралар чоғида ўзаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Томонлар иқтисодий ислоҳотлар қандай ўтказилаётгани ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар ҳамда бу соҳадаги ҳаракатларни бундан кейин ҳам мувофиқлаштириб бориш чоралари ҳақида аҳдлашиб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги 1992 йилда маҳсулотларнинг энг муҳим турларини етказиб беришга доир ҳукуматлараро битимнинг қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди. Икки томонлама маҳсулот етказиб беришнинг бир қанча кўрсаткичлари бажарилмаётгани, бу эса иккала давлатнинг иқтисодиётига катта зарар етказаётгани таъкидланди. Томонлар маҳсулот етказиб бериш ҳажмини битимда кўзда тутилган миқдорга етказиш юзасидан шошилинч чоралар кўриш тўғрисида келишиб олдилар.

Умумий сўм зонаси масалалари кўриб чиқилди, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг ягона пул-кредит сиёсати тўғрисидаги битимни тайёрлашга қарор қилинди.

Ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1992 йилда давлатлараро маҳсулот айрибошлашда нарх белгилаш тўғрисидаги битимни имзолаш масалалари муфассал муҳокама қилинди. 1993 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги икки томонлама битимни тайёрлашни тезлаштиришга қарор қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги узоқ муддатга мўлжалланган битимни тайёрлаш ишларини амалда ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Оролнинг экология тизимини тиклашда ва сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилашда ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан битимни тайёрлаш муддатлари тўғрисида келишиб олинди.

Учрашув чоғида икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга молик бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Томонлар давлатлараро муносабатлардаги етилган муаммоларни ҳал қилишда ҳукумат делегацияларининг амалий учрашувларини ўтказиб жуда муҳимлигини таъкидладилар ва шу мақсадда бундан буён ҳам ана шундай учрашувларни ўтказиб туриш тўғрисида келишиб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан
Б. ҲАМИДОВ.

Россия Федерацияси ҳукумати номидан
А. ШОХИН.
1992 йил 22 июль.

Бешариқ. Райондаги «Яккатут» давлат хўжалигининг «Яккатут» бўлими пахтакорлари бу йил 400 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Уларнинг мақсади — гектаридан 36 центнердан ҳосил олиш.

Суратларда: 1. Бўлим бошлиғи, вилоят Кенгаши депутати Усмонали Худойназаров. 2. Ниҳолларга ишлов берилмоқда.

Т. МАҲКАМ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ВА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фанни ва инновация фаолиятини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1992 йил 8 июль Фармонини бажариш мақсадида ва илмий-техникавий салоҳиятни мустаҳкамлашга, илмий тадқиқотларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг йирик муаммоларини ҳал этишга қаратишга, инновация фаолиятини кучайтиришга муҳим аҳамият бериб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фанлар академияси олимлари билан учрашуви чоғида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети Молия вазирлиги ва Давлат бош солиқ бошқармаси билан биргаликда қўшимча қийматга солинадиган солиқдан озод этилиши лозим бўлган янгиликлар ҳамда хўжалик шартномалари асосидаги илмий тадқиқотлар ишларининг турларини шу йил 1 сентябргача белгиласин ва тасдиқласин, шундан кейин 1995 йилгача ҳар йили ана шундай ишлар аниқлансин ва тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети, Фанлар академияси, тармоқ академиялари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Тараққиёт истиқболларини белгилаш комитети билан биргаликда икки ой муддатда фан ва техникани ривожлантиришнинг устивор йўналишлари рўйхатини ҳамда давлат илмий-техникавий дастурларни улар амалга оширилиши учун масъул бўлган бош ташкилотларни белгилаган ҳолда ишлаб чиқсин ва ҳукумат тасдиқлаши учун тақдим этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети, Фанлар академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

фан ва техниканинг устивор йўналишларига доир номзодлар ва докторлар тайёрлашнинг истиқболга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқсинлар;

ёшлар орасидан камида 20 нафар истеъдодли олимлар ҳар йили тажриба орттириш учун хорижий марказларга юборилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Тараққиёт истиқболларини белгилаш комитети, Молия вазирлиги олимларнинг хорижий марказларда тажриба орттиришига зарур валюта маблағлари ажратишни ва уларни сўм билан қоплашни кўзда тутсинлар.

5. Фан ва техника давлат комитети тармоқ вазирликлари ва концернлари билан биргаликда уч ой муддат ичида тугалланган илмий ишланмаларни таҳлил қилиб, уларни амалга оширишга доир таклифларни киритсин.

6. Фанлар академияси Фан ва техника давлат комитети, тармоқ академиялари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Фанлар академиясининг бўлинмалари негизида илмий ишланмаларни ички ва ташқи бозорда реклама қилиш ва сотиш мақсадида бундай ишланмаларнинг республика инновация-тижорат кўргазма марказини ташкил этсин.

7. Фан ва техника давлат комитети, Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги Фанлар академияси, тармоқ академиялари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилишини таъминласинлар. Бу дастурда:

илмий-техникавий тадқиқотлар ва ишланмаларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, лицензиялар ва патентларни сотиш ҳажмини кўпайтириш, Ўзбекистон олимларининг ютуқларини чет элларда кенг реклама қилиш чоралари;

Ўзбекистон олимларининг илғор технологиялар ва илмий ишланмалар негизида қўшма корхоналар, венчур компаниялар (иқтисодиётнинг илмий тадқиқот, инженерлик ишланмалари, янгиликларни яратиш ва жорий этишга ихтисослашган илм-фандан кўп фойдаланадиган тармоқларидаги кичик корхоналар — ред. изоҳи) илм-фан янгиликлари дастури ва лойиҳаларини яратиш кўзда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

ғўза ва бошқа экинлар ген-инженерия биотехнологияси соҳасидаги ишларни ривожлантирсин («Генимар» дастури). Бунинг учун бир ой муддатда Фитопология институти ва унинг бўлинмаларини, шу жумладан, Сирдарё таянч пунктини (мавжуд илмий-ишлаб чиқариш ва ижтимоий базасини) академик О. С. Содиқов номидаги Биоорганик химия институтининг ген-инженерия биотехнология лабораторияси билан бирлаштириб, Генетика институтини ташкил этсин;

Биоорганик химия институтининг тажриба-эксперементал базасида госипол асосида феромонлар ва шифобахш дориворлар ишлаб чиқаришни кўпайтирсин;

шифобахш дориворлар хиллари кўпайтириб, уларни ишлаб чиқариш ҳажмини оширсин, 1992 йилда қандлавлагини қайта ишлашнинг чиқитсиз технологиясини ҳамда Ўсимлик моддалари химияси институтининг тажриба-эксперементал базасида стевия ўсимлигининг пояси ва барглaридан қанд шакар ўрнини босадиган моддани ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқсин ва ўзлаштирсин.

9. 1992 йилда Фанлар академиясига 9-бандда кўрсатилган ишлар учун Вазирлар Маҳкамасининг валюта жамғармасидан 1,75 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилсин, шундан 1,2 миллион доллари Ўсимлик моддалари ҳимояси институтига, 0,25 миллион доллари Генетика институтига, шунингдек, 0,3 миллион доллари хорижий адабиётларни сотиб олиш ҳамда халқаро илмий уюшмаларда иштирок этиш учун ажратилсин.

10. Молия вазирлиги 1992 йилда Фанлар академиясига шифобахш дориворлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш, шунингдек, ажратилаётган валютани сўм билан қоплаш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 17,63 миллион сўм миқдорида маблағ ажратсин, шу жумладан, Ўсимлик моддалари химияси институтига 14,39 миллион сўм, Биоорганик химия институтига 2,3 миллион сўм ва Генетика институтига 0,43 миллион сўм ажратсин.

11. Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги шифобахш дориворларни ва республика илмий-тадқиқот муассасаларининг фан билан боғлиқ маҳсулотларини чет мамлакатларга сотиш имкониятларини, шунингдек, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қўшма корхоналар барпо этиш имкониятларини ўргансин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М. Қ. Қорабоев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ИСТИҚБОЛ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ БИРИНЧИ КОТИБИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ МАҲМУДЖОН РАСУЛОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

— Маҳмуджон Мўминович, яқинда Сиз Халқаро социал демократик партиялар бирлашмаси — Социнтерн вице-раиси, ГСДП раҳбари Ханс-Йохен Фогель таклифига биноан Германияга бориб келдингиз. Ўзбекистон ХДПга нисбатан бундай қизиқишнинг боиси нимада?

— Муштарийларимизга маълумки, бу йил баҳор ойларида Социалистик интернационал вице-раиси, ГСДП раҳбари Х.-Й. Фогель бошчилигидаги делегация Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги республикалар билан яқиндан танишиш мақсадида келганида Ўзбекистонда ҳам икки кун бўлган эди. Ўша кезлари ўзаро мулоқотимиз жуда яхши ўтган, делегациянинг диёримизга, бизнинг Халқ демократик партиямизга алоҳида қизиқиш билан қараганлиги ўшандаёқ сезилганди. Бунинг боиси, аввало партиямиз Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов сиёсати, жумҳурият ҳукуматининг тадбирлари туфайли диёримизда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан жиддий ўзгаришлар бўлаётганлиги ҳамда юртимизда барқарор вазият юзага келтирилганлигидадир.

МДҲ давлатларидаги партиялар орасида биринчи бўлиб биз Германияга таклиф этилганлигимизга келсак, бу биринчидан республикамиздаги миллий уйғониш даврида, мустақилликнинг оёққа туриши жараёнида бизнинг нуфузли сиёсий куч сифатида майдонга чиққанлигимизнинг муайян тарзда тан олишидир деб биламан. Иккинчидан, партиямиз МДҲдаги партиялар орасида фақат сон жиҳатидангина энг йирик сиёсий ташкилот бўлиб қолмай, балки қисқа муддат ичида ўзининг жиддий саъй-ҳаракатлари билан ўз йўлини топиб олишга муваффақ бўлди.

Мен Германияга мазкур сафарим чоғида шу нарсанинг шоҳиди бўлдимки, Ўзбекистон, унда бўлаётган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни у ерда ташналик билан эшитишди. Партия раисими, сиёсий ташкилот раҳбарими, бирор бир мутахассисми, хуллас, ким билан суҳбатлашмай, Ўзбекистонимиз ҳақидаги ҳикояларни муштоқлик билан тинглашади. Умуман, Германияда ўлкамиздаги ўзгаришлар ҳақида кам билишаркан. Германия ташқи ишлар вазирлигидаги республикалари билан шуғулланадиган бўлимида биргина масъул ходим Ўзбекистон бўйича ихтисослашган, холос.

— Партиялар билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар борасида ГФРдан қандай тажрибани қабул қилиш мумкин?

— ГФР бундестаги доимий ишлаб турадиган орган. У бир йилда қарийб ярим йил давомида амалий фаолият кўрсатади. Шу давр ичида катта сиёсий масалаларни кўриб чиқишга улгурилади. Барча партияларнинг сиёсий органлари бундестагдаги ўз фракциялари бн-

(Давоми учинчи бетда).

● Самарқанд вилоятида Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларига билет топшириш қизғин давом этмоқда. Пахтачи районидаги Қурбон Ражабов номли жамоа хўжалиги, Самарқанддаги Янгиработ маҳалласи партия ташкилотларида ана шу воқеа билан боғлиқ тадбирлар ўтказилди.

Куни кеча вилоят партия кенгашида ҳам бир қатор меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва партия фаолларига партия билетлари топширилди. Жумладан, Самарқанд шаҳар фахрийлар кенгашининг раиси Тўйчи Розиқов, «Ҳужум» ҳаракати фаолларидан Кубарро Одилова, Улуғ Ватан уруши фахрийси, ишчи Александр Петров, Самарқанд дорилфунуни талабалар касаба уюшмаси раиси Шаҳрибону Ҳамроева ана шундай шарафга муяссар бўлдилар.

Вилоят партия кенгаши ижроия бюроси мажлисида бюро аъзоси, вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов ва унинг ўринбосарларига партия билетлари топширилди.

ОДИЛ БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ

Бюро мажлисида ХДП вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиғини таъсис этиш тўғрисида келишиб олинди. Бундан ташқари «Амалий учрашувлар» клуби ҳам ташкил этилди.

— Халқ демократик партияси Президент сайлови даврида аҳоли ўртасида катта обрўга эга эканлигини кўрсатди. Унинг Дастури ҳам ҳукуматимизнинг бугунги сиёсати йўналишига тўла мосдир, — деди вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов. — Мен партия билетини олар эканман бу сиёсий кучнинг келажакда ажойиб ишларни амалга оширишига ишонаман. Бундан кейинги вазифамиз ҳам ўзаро ҳамкорликда, ҳамиша маслаҳатлашиб ишлашдан, халқ орасида тинмай иш олиб боришдан ва ёниб яшашдан иборат. Партиямизга эса одил баҳони халқнинг ўзи беради.

Ҳозирги пайтда Самарқанд вилоятида Халқ демократик партияси аъзолари сони 36 минг нафардан ошди. Икки кун ичида мингдан энёд партия аъзоларига янги билетлар топширилди. Бу тадбир жараёнида бошланғич партия ташкилотлари фаолияти яна бир бор кўздан кечирилиб, уларни янада кучайтириш чоралари кўрилмоқда.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЛЧИЛАР ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРИШДИ

Москва, 23 июль, (РАТА—ТАСС). Бугун Россия Федерациясининг вице-президенти Александр Руцкой Кремлда Украина, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Аргентина Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчилари Владимир Крижановский, Юсуф Абдуллаев ва Хуан Карлос Олималарнинг ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Ишонч ёрлиқлари топширилгандан кейин А. Руцкой янги элчилар билан суҳбатлашди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Виталий Чуркин қатнашди.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА

Таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир.

Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устивор соҳаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги давлат сиёсатини умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини, жамиятнинг истиқболдаги ривожини ҳисобга олган ҳолда юргизади.

Таълим илм бериш ва тарбияни ўз ичига олади, у республиканинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунлари

Таълим Конституцияга, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, ушбу Қонунга ва уларга мувофиқ ҳолда чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ рўёбга чиқарилади.

Қорақалпоғистон Республикасида таълимга доир масалалар Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари билан тартибга солиб борилади.

2-модда. Таълим тўғрисидаги қонунларнинг вазифалари

Таълим тўғрисидаги қонунлар фуқароларнинг илм олиш соҳасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, жисмоний ва юридик шахсларнинг таълим соҳасидаги ўзаро муносабатларининг принциплари, ҳуқуқ-ваколатлари ва масъулиятларини, Ўзбекистон Республикасида таълим эркин ривожланишининг ҳуқуқий кафолатларини белгилаб беради.

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан, чунончи:

таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократиклиги;

таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;

давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;

таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устиворлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида ҳамманинг таълим олиши учун имконият яратилганлиги;

таянч (тўққиз синф ҳажмидаги) таълимнинг мажбурийлиги;

таълим, маънавий ва жисмоний тарбия дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш, дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш;

таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан ҳоли бўлиши;

тарбиялануучилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш;

педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш;

амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шакларидаги таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг мустақиллигидан иборатдир.

4-модда. Илм олиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, эътиқоди ва динга муносабатидан, ижтимоий аҳволи, машғулотининг тури, турар жойи, республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганлигидан қатъий назар барчанинг таълим олиши учун тенг ҳуқуқларни кафолатлайди.

Таълим муассасаларига қабул қилиш шартлари давлат бошқарув идоралари томонидан тасдиқланадиган қоидалар билан белгиланади.

Таълим олиш ҳуқуқи:

таълим олиш учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

давлат тасарруфидаги ва давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;

давлат тасарруфида таълим муассасаларида бепул таълим олиш ва давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларида белгиланган меъёрлар доирасида таълим олиш;

таълимнинг кундузги, кечки, сиртқи, оиладаги ва экстернат таълим каби турли шаклларидан фойдаланиш, давлат таълим муассасаларида шартнома асосида пуллик таълимни йўлга қўйиш;

барча турдаги таълим муассасаларини битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичи ўқув юртига киришларида тенг ҳуқуққа эга эканлиги билан таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари таълимни шартномалар ва битимларда белгиланган шартларда ва тартибда республика таълим муассасаларида оладилар.

5-модда. Таълим тиллари

Таълим муассасаларида таълим беришда қайси тилдан фойдаланиш «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

6-модда. Таълимнинг давлат стандартлари

Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг барча шаклидаги ўқув юртлари учун мажбурий бўлган маълумот савиясига ва ўқув дастури ҳажмларига нисбатан қўйиладиган асосий талабларни белгилаб берувчи, таълимнинг жаҳон тажрибаси мезонларига мос давлат стандартлари белгиланади.

Таълимнинг давлат стандартларини белгилаш ва жорий этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати томонидан белгиланади.

II БЎЛИМ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

7-модда. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизими амал қилиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

мактабгача тарбия;
умумий таълим;
мактабдан ташқари таълим;
ҳунар-техника таълими;
ўрта махсус таълим;
олий таълим;
илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш;
кадрларнинг касб-кор малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
онладаги таълим;
мустақил таълим.

Таълим тизими ўқув режалари ва дастурлари мувофиқлаштирилганлиги, таълим босқичлари ва шаклларининг изчиллиги, таълимнинг давлат стандартларига мос келиши билан таъминланади.

8-модда. Мактабгача таълим

Мактабгача таълимнинг вазифаси бола камолати асосларини шакллантиришдан, унинг билимга қизиқишини, маданий-ахлоқий эҳтиёжларини, дастлабки меҳнат кўникмаларини, илмга муҳаббат қўйишини ўстиришдан, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Мактабгача тарбия оилада ва мактабгача тарбия муассасаларида олиб борилади.

9-модда. Умумий таълим

Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчилар илмий билим, меҳнат ва бошланғич касб-кор кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек ўз ижодий қобилиятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

Умумий таълим уч босқич: бошланғич (I—IV синфлар), таянч (V—IX синфлар) ва ўрта (X—XI (XII) синфлар) босқичдан иборат бўлиб, бошланғич, таянч ва ўрта мактабларда, бошқа ўрта ўқув юртларида (гимназиялар, лицейлар ва бошқаларда) амалга оширилади.

Таянч таълими мажбурий бўлиб, таълим олувчиларга ўрта таълим муассасаларида, турли хил ҳунар ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Ҳар бир босқичда таълим олувчининг ёши ва таълимнинг давомийлик муддати тегишли таълим муассасасининг устави билан белгиланади.

III босқич таълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади.

Ўрта умумий таълим муассасаларида ихтисослашган таълим амалга оширилиши, ўқувчилар танлови бўйича курслар жорий этилиши ва фанлар чуқур ўргатилиши мумкин. Бундай курсларнинг дастурлари умумтаълим муассасалари томонидан тасдиқланади.

10-модда. Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг шахсий талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш мақсадида давлат идоралари, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар маданий-ахлоқий, табиий-илмий, техника, спорт ва бошқа йўналишдаги мактабдан ташқари муассасалар барпо этишлари мумкин.

Турли хилдаги мактабдан ташқари муассасалар фаолиятига давлат томонидан кўмак берилади, бу фаолият таълим идоралари томонидан мувофиқлаштирилади, уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган низомлари билан тартибга солинади.

11-модда. Ҳунар-техника таълими

Ҳунар-техника таълими меҳнат ва касб-кор маҳорати ҳамда кўникмалари олишни, ишчи кадрлар тайёрлашни, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни мақсад қилиб қўяди.

Ҳунар таълими ҳунар билим юртларида, ўқув-ишлаб чиқариш, ўқув-курс комбинатларида, марказларида, бошқа ўқув юртларида ёки бевосита ишлаб чиқаришда олиб борилади.

Ҳунар-техника таълими таянч таълими асосида бир вақтнинг ўзида умумий ўрта таълим бериш ёки фақатгина касб ўргатиб қўя қолиш ёҳуд бошқа таълим асосида фақатгина касб ўргатиш орқали амалга оширилади.

Давлат тасарруфидаги ҳунар-техника билимлари ўргатиладиган таълим муассасаларида дастлабки касбни ўрганаётган, шунингдек иш билан таъминлаш давлат хизматининг йўлланмаси билан қайта тайёргарликдан ўтаётган фуқароларнинг таълим олиши бепулдир.

12-модда. Ўрта махсус таълим

Ўрта махсус таълим ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Ўрта махсус таълим техникумларда, билим юртларида, коллежларда ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларида, шу жумладан ўзга хилдаги ўқув юртлари (ҳунар-техника билим юртлари ёки олий ўқув юртлари) билан қўшилган ўрта махсус ўқув юртларида таянч, ўрта ва ҳунар-техника таълими негизида амалга оширилади.

Давлат тасарруфидаги ўрта махсус билим ўргатиладиган таълим муассасаларида дастлабки касбни ўрганаётган, шунингдек иш билан таъминлаш хизматининг йўлланмаси билан қайта тайёргарликдан ўтаётган фуқароларнинг таълим олиши бепулдир.

13-модда. Олий таълим

Олий таълим ўзи танлаган фаолият соҳасида чуқур умумилмий ва махсус билимни зарур касб-кор кўникмаси билан уйғунлаштирадиган юқори малакали мутахассислар, шунингдек илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш умумий ўрта, ўрта ҳунар-техника, ўрта махсус таълим асосида амалга оширилади. Олий ўқув юртларида таълим олиш учун саралаш ва ўқишга қабул қилиш қонунлар билан тартибга солинади.

Олий ўқув юртларидаги таълим икки босқичли асосда, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати тасдиқлаган Низомга мувофиқ изчил тарзда бакалавр ва магистр даражаси бериш орқали амалга оширилади.

Сиртқи ёки мустақил таълим тарзида ўрганишга йўл қўйилмайдиган касб ва ихтисослар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати томонидан белгиланади. Фуқаролар шартнома (пуллик) асосида иккинчи олий маълумот олишга ҳақлидирлар.

Олий ўқув юртларининг фаолияти ўз уставлари билан тартибга солинади. Олий ўқув юртлари қонунларда белгиланган тартибда вақтивақти билан аттестация ва аккредитациядан ўтказиб турилади.

14-модда. Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш

Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида олий босқич ҳисобланиб, шахс ва жамият эҳтиёжларини, шунингдек жамиятнинг бундай кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришни таъминлайди.

Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонунлар билан белгиланади.

Олий таълим тизимидаги илмий фаолият шартномалар, контрактлар, давлат буюртмалари, дастурлари, лойиҳалари бўйича, шунингдек ўз илмий манфаатларига мувофиқ илмий жамоалар, айрим муассасалар томонидан амалга оширилади. Шу мақсадда илмий, илмий-ишлаб чиқариш бўлинмалари, бирлашмалари, уюшмалари, талаба ёшларнинг илмий-техника ижодиёти марказлари ва бошқа тузилмалар тузилади.

15-модда. Кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ижтимоий ривожланиш, фан-техника тараққиёти, талабларига, ишлаб чиқаришдаги, меҳнат бозоридаги ўзгаришларга мувофиқ равишда, шунингдек одамларнинг шахсий талаб эҳтиёжларини ҳисобга олиб, касбий билим ҳамда кўникмаларини чуқурлаштириш ва бойитиш, шунингдек янги ихтисос ўргатиш мақсадида амалга оширилади.

Кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш давлат маблағлари ҳисобидан, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, айрим шахслар билан шартномалар асосида давлат тасарруфидаги ва бошқа хил ўқув юртлари базасида амалга оширилади. Таълимнинг шакллари, муддатлари ва мазмуни буюртмачи билан келишилган ҳолда ўқув юртлари томонидан белгиланади.

16-модда. Оиладаги таълим

Ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари шахснинг жисмоний, маънавий камолати ва ақл-заковат жиҳатидан ривожланишига асос солишлари лозим.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар боланинг маълумотни оилада олиши учун имконият яратиб беришга ҳақлидирлар. Бундай ҳолларда ўқувчиларнинг ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан таълим муассасаси, таълимни бошқарувчи тегишли идора ўртасида шартнома тузилиб, унда бола, оила ва жамиятнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда томонларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа мажбуриятлари белгилаб қўйилади.

Болаларга уй шароитларида таълим бериш ўқув юртларининг дастурлари бўйича амалга оширилиб, кейинчалик экстернат тартибида аттестациядан ўтказилади.

Оилада таълим олаётган шахслар тегишли аттестациядан ўтгач, таълимнинг исталган босқичидан бошлаб ўқишни таълим муассасасида давом эттиришга ҳақлидирлар.

Давлат оиладаги таълимга ёрдам кўрсатади. Тегишли давлат муассасалари томонидан қонунларда белгиланган тартибда методик, диагностик, маслаҳат ёрдами берилади. Қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда оилага компенсация тўланиши мумкин.

17-модда. Мустақил равишда билим олиш

Давлат одамларнинг мустақил равишда ўз маълумотлари, маданий ва касб-кор савияларини оширишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлайди ва бунинг учун зарур шароитлар яратиб беради.

Билим ёки малака даражасини мустақил равишда оширган шахсларга экстернат тартибида имтиҳон топшириш имконияти яратиб берилади.

18-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар

Аккредитациядан ўтган таълим муассасаларининг битирувчиларига, мактабгача таълим муассасалари бундан мустасно, таълим тўғрисидаги белгиланган намунадаги ҳужжат берилади.

Таълим тўғрисидаги белгиланган намунадаги ҳужжат мустақил равишда, оилада билим олиш орқали таълим олган ёки ўз билим ёҳуд малакаси даражасини оширган, экстернат тартибида имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ҳам берилади.

Аспирантура, докторантурани тугатиб, диссертация ёқлаганидан кейин фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси ва диплом берилади.

Давлат таълим тўғрисидаги ҳужжатлар амалдаги халқаро қоидаларга мувофиқ келишини таъминлайди.

III БЎЛИМ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

19-модда. Таълим тизимини бошқаришнинг давлат-ижтимоий хусусияти

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини бошқариш давлат-ижтимоий хусусиятига эгадир.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг тасарруфига олий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан амалга ошириладиган:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсати белгилаш ва амалга ошириш;

таълим соҳасида ҳуқуқий бошқаришни амалга ошириш;

таълимни ривожлантириш, уни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

таълимни давлат томонидан бошқарилишининг марказий идораларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш;

таълим муассасалари ташкил этиш, уларни қайтадан тузиш ва тугатиш тартибини белгилаш, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

таълим тўғрисидаги ҳужжатлар намуналарини ва уларни бериш тартибини тасдиқлаш;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилиш ва уларга лицензиялар бериш тартибини, педагогик ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

таълимнинг жаҳон даражасига мос давлат стандартларини белгилаш;

республика бюджетининг таълимга йўналтириладиган улушини белгилаш;

таълимни пул билан таъминлашнинг давлат меъёрларини, шу жумладан таълим олувчилар ва педагог ходимларни моддий таъминлашнинг меъёрларини, таълим муассасаларига солиқ солиш, таълим олувчилар ва педагог ходимларга имтиёзлар бериш тартибини белгилаш;

таълим ва фанни ривожлантириш республика фондини шакллантириш;

педагог кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ваколатлари киради.

21-модда. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг таълим соҳасидаги ҳуқуқ-ваколатлари

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари:

таълим муассасалари тармоқларининг ўз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг талаб-эҳтиёжларига мос келишини таъминлайдилар;

республика идоралари тасарруфидаги ўқув юртлари ва таълим муассасаларидан ташқари ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасалари ташкил этадилар, уларни қайта ташкил этадилар ва тугатадилар, уларнинг уставларини рўйхатдан ўтказадилар;

мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган маҳаллий аҳамиятга молик таълим муассасалари очиш учун лицензиялар берадилар;

ўз ваколатлари доирасида ўз ҳудудларидаги таълим муассасалари учун пул билан таъминлашнинг миқдорларини, иш ҳақи тўлаш шартларини ва солиқ имтиёзларини белгилайдилар, корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар, акциядор муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари, бошқа бадаллар ва ионалар ҳисобидан таълимни ривожлантириш фондларини шакллантирадилар;

таълим бўйича кенгашлар, таълим муассасалари раҳбарияти билан биргаликда таълим олувчилар ва таълим ходимларининг ижтимоий талаб-эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайдилар;

ўз ҳудудларида ишчи кадрлар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлайдилар;

турар жойларда болалар ва ёшларни тарбиялаш, уларнинг қобилиятларини ўстириш ва талаб-эҳтиёжларини қондириш учун лозим шарт-шароитлар яратадилар;

васийлик қилишга доир масалаларни қонунларда белгиланган тартибда ҳал этадилар;

ўз ваколатлари доирасида таълимнинг, педагог ходимлар касб-кор тайёргарлигининг даражасига нисбатан қўйилган давлат талабларига риоя этилиши устидан ўз ҳуқуқ-ваколатлари доирасида назоратни амалга оширадилар.

22-модда. Ўзбекистон Республикасида таълимни бошқариш давлат идоралари

Ўзбекистон Республикасида таълимни бошқаришни давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий ҳамда маҳаллий идоралари томонидан ваколат берилган махсус давлат идоралари амалга оширадилар.

Таълимни бошқариш давлат идоралари таълим муассасаларида давлат томонидан белгиланган талаблар ва меъёрлар бажарилишини таъминлайдилар, кимнинг тасарруфида эканлиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатадилар.

Таълимни бошқариш давлат идораларининг таълим муассасалари фаолиятига аралашувига улар Ўзбекистон Республикаси қонунларини бажармаганлари тақдирдагина йўл қўйилади.

23-модда. Таълим муассасаларини бошқариш

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва шу муассасаларнинг Уставига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Давлат тасарруфидаги таълим муассасасига умумий раҳбарлик иши унинг белгиланган тартибда тузиладиган ва амал қиладиган кенгаши томонидан олиб борилади.

Давлат тасарруфидаги таълим муассасасига бевосита раҳбарлик мудир, директор, ректор ёки бошқа раҳбар томонидан амалга оширилади.

Давлат тасарруфидаги ўрта умумий таълим, ҳунар-техника ва ўрта махсус таълим муассасаларининг раҳбарлари лавозимига давлат бошқарувининг тегишли идораси томонидан белгиланган тартибда тайинланадилар.

Давлат тасарруфидаги олий ўқув юртларининг ректорларини тегишли вазирликлар ва идораларнинг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тайинлайди ва бу ректорлар ўқув-тарбия жараёнининг аҳволи учун тўлиқ жавобгар бўладилар.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларининг раҳбарлари уларнинг муассислари томонидан тайинланади.

24-модда. Таълим муассасаларини бошқаришда жамоатчиликнинг иштироки

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларини бошқариш ўқувчилар, талабалар, педагог ходимлар, хизматчилар, ота-оналар, жамоатчиликнинг бошқа вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Таълим тизимида:

жамоанинг умумий йиғилиши (конференцияси);

ягона умумтаълим сиёсатини ўтказишда жамоатчилик ва давлат ҳамкорлигининг шакли сифатида таълим муассасасининг кенгаши;

таълим ходимлари, ноҳия, шаҳар, вилоят конференциялари, республика съезди;

таълим масалалари бўйича ҳудудий кенгашлар, олий ўқув юртлари ректорларининг кенгашлари ва ўрта махсус ўқув юртлари директорларининг кенгашларидан иборат ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолият кўрсатиши мумкин.

Таълим соҳасидаги жамоат бирлашмаларининг фаолияти қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

25-модда. Таълимни бошқариш давлат идоралари билан давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларининг ўзаро муносабатлари.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари таълимни бошқариш давлат идоралари томонидан аттестация ва аккредитациядан ўтгандан ва белгиланган тартибда лицензия олгандан кейин таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузганлари тақдирда таълимни бошқариш давлат идоралари низо судда ҳал этилгунига қадар бу муассасалар фаолиятини тўхтатиб туришга ҳақлидирлар.

26-модда. Таълимни бошқариш давлат идоралари билан ўзга бўйсунувдаги таълим муассасаларининг ўзаро муносабатлари

Таълимни бошқариш давлат идоралари тармоқ ва бошқа давлат идоралари, ташкилотлари, муассасалари ва корхоналари бўйсунувида бўлган таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг таълимга доир қонунларига риоя этилишини назорат қилиб борадилар.

IV БЎЛИМ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАСЪУЛИЯТЛАРИ

27-модда. Таълим олувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Таълим олувчилар:

ўз инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши, виждон эркинлиги, ахборот эркинлиги, ўз қарашлари ва эътиқодларини эркин ифода этиш;

давлат стандартларига мувофиқ таълим олиш;

ўқув юртини танлаш, шунингдек таълим муассасасининг уставига мувофиқ таълим соҳаси, шакллари ва муддатларини, якка тартибдаги дастурларини танлаш;

таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш;

турли хил илмий фаолият, конференциялар, олимпиадалар, кўргазма ва танловларда иштирок этиш;

олган малакаларига мувофиқ равишда ўз касблари, ихтисослари бўйича таълимни давом эттириш, шартнома асосида қўшимча таълим олиш;

ёш хусусияти ва саломатлиги ҳолатига монанд меҳнат фаолияти билан шуғулланиш;

иш жойида ҳақ тўланадиган қўшимча таътил олиш, қисқартирилган иш вақти ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олувчи шахслар учун қонунларда назарда тутилган бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Таълим олувчиларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишга жалб этиш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Таълим олувчиларнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, аҳлоқ ва одоб қоидаларига риоя этиш;

таълим муассасасининг устави ва ички тартиб қоидаларига риоя этиш;

ўз билимлари, амалий кўникмалари, касб-кор маҳоратларини мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш ҳамда ўзларининг умуммаданий савияларини оширишдан иборатдир.

Таълим олувчиларнинг бошқа ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, таълим муассасалари тўғрисидаги низомлар ҳамда уларнинг уставлари билан белгиланади.

28-модда. Таълим олувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш

Таълим олувчилар белгиланган тартибда стипендиялар, нафақалар, ётоқхоналар, интернатлар, имтиёзли ёки бепул овқат билан ва бошқа имтиёзлар билан таъминланадилар.

Таълим олувчиларга кутубхона фонди, ўқув-ишлаб чиқариш, илмий, спорт, маиший хизмат ва соғломлаштириш базаларидан, транспорт хизматидан, театр ва бошқа томоша муассасаларининг хизматидан белгиланган тартибда бепул ёки имтиёзли шартларда фойдаланиш кафолатланади.

Давлат иқтидорли ёшларга моддий жиҳатдан кўмак бериш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларида ўқиш ва тажриба ошириш имкониятини яратиш йўли билан доимий ғамхўрлик кўрсатади.

29-модда. Таълим олувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш

Таълим муассасалари таълим олувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни кафолатловчи шарт-шароитлар яратадилар. Ўқув-меҳнат топшириқлари, таълим олувчиларнинг машғулот ва овқатланиш тартиб-қоидаси, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби таълимни бошқариш давлат идораларининг соғлиқни сақлаш идоралари билан келишиб олинган тавсиялари асосида таълим муассасалари томонидан белгиланади.

Таълим олувчиларнинг қонунларда белгиланган ўқиш, меҳнат қилиш ва дам олиш шарт-шароитларига риоя этилиши учун таълим муассасасининг муассиси масъул бўлади.

30-модда. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва масъулиятлари

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

ўзларининг болоғатга етмаган болалари учун таълим шаклларини, умумтаълим муассасаси тури ва ўқитиш тилини танлаш;

таълим муассасаси мажбуриятидан ўқув юртлари уставларига монанд зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш;

болага ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилишлари;

боланинг қадр-қимматини ҳурматлашлари, болада меҳнатсеварлик, яхшилик ва мурувват туйғусини, Ватанга, ёши улуғларга, давлат тили ва она тилига, оилага, миллий, тарихий қадриятлар ва маданият қадриятларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялашлари;

қонунлар, ҳуқуқлар ва инсон эркинликларига ҳурмат туйғусини тарбиялашлари;

болаларнинг таълим муассасаларида ўқиши учун ёки белгиланган талаблар ҳажмида уйда тўлақонли таълим олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишлари шарт.

Боланинг тарбияси ва камол топиши учун ота-онанинг зиммасига масъулият тенг юкланади.

Болалар таълим олишига монелик қилаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

31-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш

Юксак аҳлоқий фазилатларга, тегишли маълумот ва касб-кор тайёргарлигига эга шахсларга давлат тасарруфидаги таълим муассасаларида педагог ва тарбиячи сифатида ишлаш учун рухсат этилади.

Педагог ходимлар битим асосида Ҳукумат тасдиқлаган Низомга мувофиқ ишга қабул қилинадилар.

Малакаси пастлиги ёки саломатлиги касбига оид вазифаларини бажаришига монелик қилаётганлиги туфайли ўз лавозимига номуносиблиги аниқланган тақдирда, шунингдек у муаллимлик фаолиятини давом эттириш учун йўл қўйиб бўлмайдиган аҳлоқсизлик содир этган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда педагоглик ишидан четлаштириладилар.

Педагогик фаолияти билан шуғулланишга тўсқинлик қилувчи тиббий кўрсатқичларнинг рўйхати ва касб жиҳатдан номуносибликка доир масалаларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати томонидан белгиланади.

32-модда. Педагог ходимларнинг ҳуқуқлари

Педагог ходимлар:

ўзларининг касб-кор шаъни ва қадр-қимматларини ҳимоя қилиш;

таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш;

касб фаолияти учун шарт-шароитлар билан таъминланиш, малакаларини ошириш, қайта тайёргарликдан ўтиш, таълим шакли, услуби ва воситаларини танлашда ташаббус кўрсатиш;

якка тартибда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни ўз касб-кор вазифаларини бажаришдан чалғитиш тақиқланади, қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

33-модда. Педагог ходимларнинг мажбуриятлари

Педагог ходимлар:

касб-корнинг юксак даражасида таълим беришлари, таълим олувчилар ўқув дастурларини мажбурий ҳисобланган давлат талаблари даражасида ўзлаштиришларини таъминлашлари;

педагогларнинг ахлоқодоб қоидаларига риоя этишлари, бола, ўқувчи ва талаба шахсининг қадр-қимматини ҳурматлашлари, уларни меҳнат, қонунларга, ота-оналар ва хотин-қизларга, маънавий, тарихий, маданий-миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашлари;

ўзларининг бутун фаолиятлари ва шахсий намуналари билан умуминсоний ахлоқ қоидаларига: ҳақиқат, адолат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, яхшилик ва бошқа хайрли ҳислатларга нисбатан ҳурматни қарор топдиришлари;

ўсиб-улғайиб келаётган авлодни бир-бирини тушуниш, халқлар ўртасида, шунингдек барча элатлар, миллатлар ва диний гуруҳлар ўртасида тинчлик, аҳил-иноқлик руҳида тарбиялашлари;

болалар ва ёшларни эҳтиёткорлик кўринишларидан ҳимоя қилишлари;

ўзларининг касб кўникмалари ва муаллимлик маҳоратларини доимо такомиллаштириб боришлари шарт.

Педагог ходимларнинг бошқа мажбуриятлари таълим муассасаларининг уставларида белгилаб қўйилади.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда).

34-модда. Давлат тасарруфидаги таълим муассасалари ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш.

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларининг педагог ходимлари:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг нарх-наво индексининг ўзгаришларига мувофиқ ҳолда мунтазам равишда тузатишлар киритиб бориладиган кафолатланган даражасига эга бўлиш;

муаллимлик фаолиятининг малака ва натижаларига қараб, табақалаштирилган иш ҳақи олиш, шунга мувофиқ равишда қисқартирилган иш вақтига эга бўлиш, узайтирилган, ҳақи тўланадиган таътил олиш;

қишлоқ жойларда ва шаҳар типидаги посёлкаларда иситиладиган ва ёритиладиган уй-жойлардан бепул фойдаланиш;

якка тартибда уй-жой қуриш учун ўзларига ер участкалари биринчи навбатда ажратиб берилиши ва биноқорлик материалларини биринчи навбатда сотиб олиш;

ўзлари яшаётган давлат ва идоралар тасарруфидаги уйлар ҳамда квартираларни бепул шахсий мулкка айлантириб олиш, уй-жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда имтиёзлардан фойдаланиш;

пенсияга чиққанларидан кейин педагоглик фаолиятини давом эттирганлари тақдирда пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқларига эга.

Таълим муассасалари меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган мавжуд маблағлар доирасида ставкаларга, мансаб окладларига мустақил равишда табақалаштирилган қўшимча ҳақлар белгилаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда уни рағбатлантиришни ташкил этишнинг турли шаклларини қўллашга ҳақлидирлар.

Қишлоқларда жойлашган давлат тасарруфидаги таълим муассасаларида ишловчи педагогларга нисбатан қишлоқ хўжалик мутахассислари учун белгиланган имтиёзлар татбиқ этилади.

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларининг ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари, ишлаб чиқариш устахоналари (цехлари) ва ўқув хўжаликлари ходимларига нисбатан давлат тасарруфидаги тегишли корхоналарнинг ва бошқа корхоналарнинг худди шу соҳа ходимлари учун белгиланган имтиёзлар ва афзалликлар татбиқ этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий идоралари, корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар ва бошқа муассасалар давлат тасарруфидаги таълим муассасаларининг ходимларига қўшимча ижтимоий имтиёзлар беришга ҳақлидирлар.

Педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикасида Пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун билан белгиланади.

V БЎЛИМ. ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМНИНГ АЛОҲИДА ШАРТ-ШАРОИТИГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР ҲАМДА ЎСМИРЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

35-модда. Етим болалар ва ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар раҳнамолигидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни боқиш

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларида ва лицензияга эга, давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларида етим болалар ва ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар раҳнамолигидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни боқиш тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади. Тарбияланувчиларни бошқа турдаги таълим муассасаларига асоссиз равишда ўтказиш тақиқланади.

Етим болалар турмушда ва ишга жойлашишда ҳамда кейинги босқич таълим муассасасига киришда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда давлат кўмагидан фойдаланадилар.

36-модда. Жисмоний ва руҳий жиҳатдан нуқсонлари бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ҳамда ўсмирларнинг тарбияси ва таълим олиши

Жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ривожланишида нуқсонлари бўлган, шунингдек узоқ муддат даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун махсус таълим муассасалари барпо этилади ва иш олиб боради. Бундай таълим муассасаларига болалар ва ўсмирларни йўллаш ҳамда уларни бу муассасалардан чиқариб юбориш болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар фикри ҳисобга олинган ҳолда руҳият, тиббиёт ва педагогика мутахассисларидан иборат комиссиянинг хулосасига асосангина амалга оширилади. Махсус таълим муассасаларининг тарбияланувчилари қисман ёки тўлиқ давлат таъминотида бўладилар, улар бепул даволанадилар, овқатланадилар ва уларга ясама ортопедия воситалари, ногиронлар аравачалари текин берилади.

37-модда. Ижтимоий ёрдамга ва саломатлигини тиклашга муҳтож шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари

Тарбия ва таълимнинг алоҳида шарт-шароитларига муҳтож болалар ва ўсмирлар учун тарбиянинг алоҳида тартиби жорий этилган махсус ўқув-тарбия муассасалари барпо этилади ва улар тарбияланувчилар таълим олиши, касб ўрганиши ва ижтимоий ўзини тиклашини таъминлайдилар.

Вояга етмаганларни махсус ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ фақатгина суднинг ҳукми ёки ҳал қилув қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

Ахлоқ тузатиш — меҳнат муассасаларида сақланаётган шахсларга илм олиш учун ва мустақил равишда таълим олиш учун шарт-шароит яратиб берилади.

VI БЎЛИМ. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ. ТАЪЛИМНИНГ МОДДИЙ БАЗАСИ ВА УНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

38-модда. Таълим муассасаларининг муассислари

Қуйидагилар, чунончи:

давлат бошқаруви республика ва маҳаллий идоралари;

мулкчиликнинг барча шаклидаги муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар;

жамоат бирлашмалари;

диний ташкилотлар;

айрим фуқаролар;

ажнабий мамлакатларнинг фуқаролари, ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар таълим муассасаларининг муассислари бўлишлари мумкин.

39-модда. Таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақоми

Таълим муассасаси мустақил юридик шахс бўлиб, қонунларда белгиланган тартибда барпо этилади.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаси давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритади.

Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайдиган қоидалар асосида ва шу қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқиладиган низомлар асосида фаолият кўрсатадилар.

Таълим муассасаларига муайян мақом (гимназия, лицей, дорилфунун, академия ва шу кабилар мақоми) берилиши таълимни бошқариш тегишли идоралари томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

Таълим муассасалари ўзаро битим тузишга, ўқув-тарбия комплекслари ва ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари (уюшмалари) ташкил этишга, ҳудудий ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмалари таркибига киришга ҳақлидирлар. Бундай комплекс ва бирлашмалар таркибига кирувчи муассасаларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўз уставларида белгиланади.

40-модда. Таълим тизимида мулк ҳуқуқи

Таълим муассасалари ва таълим тизимидаги ташкилотларнинг мол-мулки уларнинг муассислари мулки ҳисобланиб, ана шу муассисларнинг қарорига биноан мол-мулк бевосита таълим муассасалари ва ташкилотларига мулк сифатида ёки уларнинг хўжалик юритиши учун берилиши мумкин.

Таълим тизими муассасалари ва ташкилотлари фойдаланаётган ер участкалари тегишли, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан ана шу муассасалар ҳамда ташкилотларга бепул ва узоқ муддат фойдаланиш учун берилади. Бу участкалардан фойдаланиш ҳуқуқи «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солиб борилади.

41-модда. Таълим муассасаларининг моддий-техника базаси

Таълим муассасаларининг моддий-техника базаси таълим ва тарбия бериш, илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишлари ўтказиш ҳамда таълим соҳасида бошқа вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланиладиган ер, бинолар, тажрибахоналар, кутубхоналар, спорт иншоотлари, алоқа воситалари, машиналар ва асбоб-ускуналарни, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни ўз ичига олади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника базаси республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари ҳисобидан, шунингдек пул билан таъминлашнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ривожлантирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, шу жумладан бундай муассасаларни лойиҳалаш ва қуриш ишлари жаҳон тажрибаси ютуқларини ҳисобга олган ҳолда меъёрий асосда устивор тартибда амалга оширилади.

Таълим муассасаларига берилган давлат мол-мулкига солиқ солинмайди, бу мол-мулк тортиб олинмайди ёки улардан кўзланган асосий вазифалардан бўлак мақсадларда фойдаланилмайди.

42-модда. Таълимни пул билан таъминлаш

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларини пул билан таъминлаш республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан, корхона, бирлашма, ташкилотларнинг ва айрим шахсларнинг маблағлари ҳамда қўшимча манбалар ҳисобидан давлат меъёрлари асосида амалга оширилади.

Давлат таълимга унинг устиворлигини таъминлайдиган миқдорда ҳар йили маблағлар ажратишни, шунингдек ҳар бир тарбияланувчи ёки таълим олувчига кетадиган харажат меъёрларини мунтазам равишда ошириб, жаҳон стандартлари даражасига етказишни кафолатлайди.

Таълим муассасалари аҳолига, корхона ва ташкилотларга таълим борасида ҳақи тўланадиган (пуллик) хизмат кўрсатишга, шунингдек амалдаги қонунларда тақиқланмаган бошқа турдаги тижорат фаолияти билан шуғулнишга ҳақлидирлар.

Ўқувчилар ва талабалардан таълим учун ҳақ ундириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

Қуйидагилар, чунончи:

тузилган шартномаларга, шу жумладан ажнабий давлатлар билан тузилган шартномаларга биноан ходимлар тайёрлаш, уларнинг касб-кор малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашдан олинган маблағлар;

таълим соҳасида қўшимча хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар;

таълим муассасалари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларнинг буюртмалари бўйича бажарган илмий-тадқиқот ишлари ва бошқа ишлар учун олинган маблағлар;

ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, корхоналари, цехларининг ва таълим муассасалари хўжаликларининг маҳсулотларини реализация қилишдан, уларнинг бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага беришидан олинган даромад йўсинидаги маблағлар;

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг дотациялари, банкларнинг кредитлари ва ссудалари йўсинидаги маблағлар;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар ихтиёрий равишда берадиган пул бадаллари, моддий бойликлар пул билан таъминлашнинг қўшимча манбалари ҳисобланади.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари муассислар таъминотида бўладилар. Бундай муассасаларнинг давлат стандартлари даражасида таълим беришни таъминлаётганларига қонунларда белгиланган тартибда маблағ ажратилиши мумкин.

43-модда. Таълимнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши

Таълим муассасаларига, шунингдек мулкчиликнинг барча шаклидаги ташкилотлар, корхоналар ва бирлашмаларнинг таълимни ривожлантиришга ажратилаётган маблағларига солиқ солиш тартиби қонунлар билан бошқариб тартибга солиб борилади.

Дарсликлар чоп этадиган, ўқув қўлланмалари чиқарадиган, таълим муассасаларининг эҳтиёжлари учун моддий ресурслар етказиб берадиган корхоналар ва ташкилотларга қонунларга мувофиқ солиқ имтиёзлари берилади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва хусусий шахслар таълим муассасаларини пул билан таъминлаш учун текинга ёки бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартибида ўтказаётган маблағларига солиқ солинмайди, бу маблағлар маҳаллий таълим фондлари ва таълим муассасалари фондларида жамланиши мумкин.

Таълимга ажратиладиган бюджет маблағлари ва таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини тортиб олиб қўйиш мумкин эмас.

Йил охирида юзага келадиган пул маблағларининг қолдиғи, улар тушган манбалардан қатъи назар, олиб қўйилмайди ва таълим муассасаларининг хоҳишига қараб сарфланади.

VII БЎЛИМ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

44-модда. Халқаро ҳамкорлик

Таълим муассасалари ва таълим тизимидаги корхоналар қонунларда белгиланган тартибда таълимга доир муаммолар юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, ажнабий мамлакатларнинг ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, улар билан биргаликдаги ўқув юртлари очиш ҳуқуқига эгалар.

Таълим тизимининг муассасалари ва ташкилотлари қонунларда назарда тутилган доирада ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этадилар, валюта счётларига эга бўлишга ҳақлидирлар.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда айтилганидан бўлак қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 1 октябрга қадар:

таълим тўғрисидаги давлат стандартини жорий этиш ҳамда унинг мазмуни ҳақидаги, таълим муассасаларини аттестациялаш, аккредитация қилиш ва лицензиялаш ҳамда педагог кадрларни аттестациялаш хусусидаги низомларни тасдиқласин, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қўлланилишини таъминлайдиган бошқа норматив ҳужжатларни қабул қилсин;

амалдаги қонунларни «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

ИСТИҚБОЛ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

лан иш олиб борадилар. Улар ўз қарорлари, нуқтаи назарлари, тутган сиёсий йўлларини парламентнинг барча аъзоларига етказадилар, олдиндан маълум қилиб қўядилар. Шуниси муҳимки, партияларнинг қарорлари бундестагда фаолият кўрсатадиган ўз партия аъзолари учун қонундир.

Бундестаг ишлаб турган кезларда ҳар душанба тушгача партияларнинг ижроия органлари, куннинг иккинчи ярмида эса партияларнинг фракциялари ўзларига тегишли масалаларини муҳокама қиладилар. Сешанбада бундестаг ўз асосий ҳафталик иш фаолиятини бошлайди.

Парламент қабул қилган қонунларга биноан кўп партиялилик шароитида етакчи партияларгина эмас, балки бор-йўғи 8 ўринга эга бўлган партиялар ҳам фракция тузиш ҳуқуқига эга эканлар. ГФРга Германия Демократик Республикаси қўшилганидан сўнг бундестагда жами 600 нафар депутатлик ўрни юзага келган. Шундан 37 фоизи Германия социал-демократик партиясига тегишли ўринлардир.

Шуниси эътиборга сазоворки, бундестагда давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар кўрилаётганда барча партияларнинг фракциялари ўзаро келишиб олишлари учун алоҳида бир кун ажратилар экан. Масалан, ривожланишдан орқада қолган ГДРнинг мавқеини кўтариш масаласи бундестагда муҳокама қилинганда шундай бўлган. Барча партия фракциялари бу муаммони келишиб ҳал қилишган. Кўп муҳокамалардан сўнг Германияннинг шарқий қисмига унинг иқтисодиётини кўтариш мақсадида ҳар йили кўп миқдордаги қўшимча маблағлар ажратишга қарор қилинган. Буни қарангки, миллат, Ватан ва унинг бир қисми тақдири тўғрисида гап кетганда Германия парламентидаги барча партиялар бир ёқадан бош чиқаришган. Мана биз нималарни ўрганишимиз керак экан немислардан! Булар диёримиз партиялари, парламентимиз учун ҳам ибрат бўларли эмасми?..

Умуман Х.-Й. Фогель билан мулоқотимиз дўстона ўтди. У Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган ишлар ҳақида биздан катта қизиқиш, мамнуният билан ахборот олди.

Германия социал-демократик партияси ва Социалистик интернационал фаолияти ҳақида эса Х.-Й. Фогель бизга батафсил гапириб берди.

— Сиз партия етакчиларидан бири, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати сифатида яқинда бўлиб ўтган республика Олий Кенгашининг Х сессияси якунлари ҳақида нималар дея оласиз! Мазкур сессия арафасида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг пленумини ўтказишдан мақсад нима эди!

— Бу сессиядан халқимиз кўп нарсани кутган эди. Чунки унинг кун тартибидаги масалаларнинг ҳал этилиши республикамизнинг мустақил давлат сифатида оёққа туриши ва бунинг учун ҳаққоний негизларнинг яратилиши сари яна бир қадам олга босишни таъминлаши даркор. Мамнуният билан айтишим керакки, сессия ҳақиқатан ҳам кутилган натижаларни берди. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, Республикамиз Президентининг сессияда сўзлаган нутқида жумҳуриятимиз кейинги ойларда босиб ўтган йўлга қисқача якун ясалди, олдиндан мўлжалланган режаларнинг бажарилиши ҳақида батафсил гапирилди, халқимиз дуч келган кўпгина қийинчиликларни енгиш устида қилинаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида депутатларга атрофлича маълумот берилди. Депутатлар ҳам, халқимиз ҳам барчани ташвишлантираётган кўпгина саволларга аниқ ва тўла жавоб олдилар.

Айрим кимсалар сессия тез ўтди, ундаги масалалар муҳокамасиз, эзлик билан қабул қилинаверди, деб ҳам талқин қилишмоқда. Мен депутат сифатида бундай дея олмайман. Ким нима дейишидан қатъи назар, биринчидан, Х сессия ҳамжиҳатлик билан ўтди. Бу айни замонда мустақил Ватанимиз учун сув билан ҳаводек зарур. Иккинчидан эса, сессия арафасида, яъни ундан қарийб бир неча ҳафта олдин кўриладиган масалалар, ҳужжатлар ва қонун лойиҳалари депутатларга тарқатилди. Улар ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлдилар. Бундан ташқари, кўпгина қонунлар Олий Кенгаш қўмиталарида атрофлича муҳокамалардан ўтди. Яъни шуни ҳам унутмаслик лозимки, аксарият қонунлар қайта ишлаш ва тўлдириш учун илгариги сессиядан қайтарилиб, бу галги сессия кун тартибига иккинчи марта қўйилди. Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олсак, Х сессиянинг тез ва ҳамжиҳатлик билан ўтгани, яхши самара бергани боисини англаб олиш қийин эмас.

Сессияда бир қанча қонунлар мажмуаси кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг мудофааси, Қуролли Кучлари, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги, Ўзбекистон фуқаролиги, республика Давлат Герби, таълим, касаба уюшмаларининг фаолияти ҳақидаги қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон билан бошқа бир неча мустақил давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тасдиқланди. Янги иқтисодий муносабатларни шакллантиришга қаратилган бир қанча ҳужжатлар — биржалар ва биржа фаолияти, деҳқон хўжаликлари, монополия фаолиятини чеклашга оид қонунлар қабул қилинди. Қани айтингчи, бу қонун ва ҳужжатларнинг қай бири муҳим эмас?

Сессия кун тартибига қўйилган масалалар аллақачон пишиб етилган, уларнинг ҳал этилиши мустақил диёримиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги боисидан партия аъзоларимиз ва фаолларимиз унга катта қизиқиш билан қарадилар. Яхши тайёргарлик кўрдилар.

Зотан, ушбу сессия бошланишидан бир неча кун олдин Олий Кенгаш Раёсати Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламентдаги Депутатлар партия гуруҳини рўйхатга олди. Шу тариқа бизнинг депутатлар гуруҳимиз тегишли ҳуқуқий мақомга эга бўлди. Амалда ўз нуқтаи назарини фаол намоён этиш ва унда қатъий туриш имкониятини қўлга киритди.

Х сессия арафасида партиямиз Марказий Кенгашининг пленумини чақиришимиз сабаблари ҳам шулар эди. Пленумга парламентдаги партия аъзоси бўлмиш халқ депутатларини ҳам таклиф этдик. Бундан кўзланган мақсад улар билан биргаликда сессия кун тартибидаги асосий масалалар юзасидан ўз муштарак нуқтаи назарларимизни ишлаб чиқиш эди. Ўзбекистон ХДПнинг Таъсис қурултойидан сўнг ўтган вақт ичида биринчи марта республика Олий Кенгашининг бўлажак сессияси муносабати билан тутган сиёсий йўлимиз партия Марказий Кенгашининг пленумида кўриб чиқилди. Бу билан партиямиз Низомида белгиланган шу ҳақдаги қоида рўёбга чиқди. Бу муҳим иш бундан буён ҳам давом эттирилади.

Шуни айтиш керакки, Х сессия арафасида ижтимоий-сиёсий жиҳатдан бирмунча кескинлик юзага келганди. Сиёсий муҳолифият сессияга тайёргарлик жараёнида танқидбозликни кучайтирди. Сессия арафасида ва у ўтаётган кунлари митинглар ўтказишга чақириқлар янгради. Бундан кўзланган мақсад эса республика ҳокимиятининг Олий органларига куч билан тазйиқ ўтказишдан иборат эди. Ҳатто «халқ келишуви ҳукуматини» тузиш талаби билан чиқишга ҳам даъватлар қилинди. Жаҳон тажрибасига мувофиқ маданий усуллар билан иш олиб боришга эса мухолифият етакчилари кафолат бермадилар. Ваҳолонки, МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг айримларида сиёсий жиққамушликлар оқибатида қон тўкилаётган, шундоққина ён қўшнимиз Тожикистонда ҳам айнан митинглардан сўнг фожиали воқеалар юз берган бир шароитда юқоридаги даъватларнинг бизга нима бериши кўрга ҳассадек аён эмасми, ахир?

Шундай вазиятни ҳисобга олиб, Республика Олий Кенгаши сиёсий партияларга, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига Мурожаатнома қабул қилди. Сессияда республикамиз халқ депутатлари бу ҳужжатни яқдиллик билан маъқулладилар. Зеро, унда айтилганидек, бизда барқарорликни издан чиқарувчи кучларга қаршилик кўрсатишнинг бош омили — республикада қабул қилинган қонунларни тинимсиз ва собитқадамлик билан жорий этишдан, барча минтақаларда ва районларда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга кенг жамоатчиликни жалб этишдан иборатдир. Жамиятни қийинчиликлардан олиб чиқишнинг ягона йўли унинг барча соғлом кучларини жипслаштиришдир. Бу айни кунда ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир партия аъзосининг ҳам муқаддас бурчидир. Бу партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Бинобарин, жумҳуриятимиз ҳукумати амалга ошираётган ишларда ҳам Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари асос бўлиб хизмат қилаётганлиги сир эмас. Кемага тушганнинг жони бир, дейди доно халқимиз. Эндиликда эркимиз ўз қўлимизда ва истиқболимиз ўзимизгагина боғлиқ экан, ҳамма-ҳаммамиз, барча сиёсий кучлар ва ҳаракатлар бутун гина-кудуратларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳур диёримиз, озод халқимиз манфаатлари йўлида баҳамжиҳат меҳнат қилишимиз керак. Ҳозир мустақил республикамиз, халқимиз манфаати ҳамма нарсадан устундир.

— Маҳмуджон Мўминович, суҳбатимизни партия ички масалалари мавзусига бурсак. Айтингчи, партия билетлари қачон ва қай тарзда топширила бошланди!

— Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми партия билетларини топширишни муҳим ташкилий ва сиёсий тадбир, деб билади. Шу муносабат билан партия кенгашлари мазкур ишни уюшган ҳолда ва батартиб ўтказишга тегишли ҳозирлик кўрдилар. Чунки, олдимизда 360 минг нафардан ортиқ ХДП аъзоларига энг муҳим партия ҳужжатини топшириш вазифаси турибди. Бу ишда ортиқча дабдабабозликка йўл қўйиб бўлмайди. Бироқ, партия билети топширишни бир умр эсда қоладиган тарзда ўтказиш маъқул.

Партия билетларини топшириш бу муҳим ишда фаол иштирок этувчи Марказий Кенгаш аъзолари ва маҳаллий партия ташкилотларининг сайланма органларига ХДПнинг ҳар бир аъзоси билан юзма-юз учрашиш ва бафуржа суҳбатлашиш, уларнинг юрак дардларини, сиёсатимиз ва амалий ишларимиз тўғрисидаги фикр-мулоҳаза, танқид ва таклифларни эшитиш имкониятини беради. Шунинг учун улар ушбу тадбирдан партия аъзолари билан алоқаларни мустаҳкамлашда, ХДПнинг дастурий ғояларини чуқурроқ тушунтиришда, уларнинг сиёсий фаоллиги, ташаббускорлигини оширишда самарали фойдаланишлари лозим. Умуман олганда, партия билетларини топшириш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларини ожнлаштиришга, унинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга, барча партия ташкилотларининг ташаббускорлигини оширишга хизмат қилмоғи керак.

— Сир бўлмаса, 1-рақамли партия билети кимга топширилади!

— Тошкент шаҳар, Тошкент, Наманган, Сирдарё ва бошқа вилоятлар партия кенгашларидан, кўпгина бошланғич партия ташкилотларидан 1-рақамли партия билетини топшириш тўғрисида муайян таклиф тушди. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми ушбу таклифни кўриб чиқиб, Ўзбекистон ХДПнинг 1-рақамли аъзолик билетини партиямизнинг ташкил этилиши ва оёққа туришига энг катта ҳисса қўшган, ҳақли равишда унинг асосчиси ҳисобланадиган ва партиямизга Раислик қилаётган, мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримовга топширишга қарор қилди.

Партия билетларини Ўзбекистон ХДП аъзоларига топшириш жараёнида партия ташкилотлари, ҳар бир партия аъзоси яна бир бор синовдан ўтадилар. Ўрни келганда шуни ҳам очиқ-ойдин айтиш керакки, республика Президенти раислигидаги партиямизнинг аъзолари бўлмиш айрим давлат идоралари раҳбарларида ҳамон иккиланиш, ўз нуқтаи назарини қатъий аниқлаб олмаслик, Ўзбекистон ХДП фаолиятини четдан кузатиб туриш ҳоллари йўқ эмас. Бундай тоифадаги аъзолар учун ўз сиёсий йўлларини узил-кесил аниқлаб олиш пайти келди. Бизга партиямизнинг ишига ҳамма вақт садоқатли, сиёсий майдонга чиқиб қурашишга шай бўлган, иймон-эътиқоди мустаҳкам аъзолар керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ХДП йирик ижтимоий-сиёсий ташкилотдир. У ўз сафларида халқимизнинг 364 минг нафар фарзандларини бирлаштирган. Фақат кейинги уч ойнинг ўзидагина 20 минг нафардан зиёд киши партиямиз сафларига келиб қўшилди. Уларнинг аксарияти республикамизнинг келажаги бўлган ёшлардир. Бу эса Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифалари она диёримиз аҳолисининг турли табақалари манфаат ва эзгу ниятларига мос тушаётганлигидан далолат беради.

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатни журналист Олимхон НАЗАР олиб борди.

ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

ШОҲИМАРДОН СУВИ ТОШЛОҚҚА КЕЛАДИ

● Тошлоқ районида носоғлом экологик вазият вужудга келгани, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ер ости сувларини ифлослантираётгани аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш муаммосини келтириб чиқарди.

У ерга Шоҳимардон суви келадиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ районда водопровод тармоқлари кенгайтирилади, Пакана-Лоғон сув чиқариш иншоотлари қурилади.

КЕЛИН-КУЁВЛАР УЧУН ЖИҲОЗ

● Ўзбекистон районида янги оила қураётган келин-кўёвлар энди зарур уй жиҳозларини шаҳар дўконларидан қидириб юрмайдилар.

Карим девона қишлоғида очилган «Ҳунарманд» кичик корхонаси диван, шифоньер, жавон сингари камёб маҳсулот чиқара бошлади. Улар ёшларга имтиёзли нархда сотилмоқда. Буюртмага мувофиқ цехда эшик, дераза, пол тахта ҳам тайёрлаб берилмоқда.

МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ ҲИММАТИ

● Андижон районидаги Бўтақора қишлоғи ёнидан ўтадиган Андижон — Пахтаобод автомобиль йўли ёқасида, хушҳаво адирдаги «Шабада» чойхонаси яқинида янги бекат пайдо бўлди.

Шарқона бу чойхона шу қишлоқлик меҳнат фахрийси Бўрибой ота Тўрабоев шахсий жамғармаси ҳисобидан бунёд бўлди.

— Ўғилларим билан маслаҳатлашиб, шу чойхонани қурдик, — дейди Бўрибой ота. — Мақсад пул топиш эмас, балки бир пиёла чой баҳона одамларнинг яйраб ҳордиқ чиқаришига хизмат қилиш, улар билан ҳамсуҳбат бўлиш, уларни табиат гўзаллигига ошно этишдир.

(ЎзА).

АХБОРОТ

Ҳуқуқ тарғиботи маркази

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Тошкент давлат юридик институти, Республика Давлат телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги ва матбуот ходимларининг йиғилиши бўлди. Унда сўзга чиққанлар республикада ҳуқуқий билимларни тарғиб этиш, аҳоли ҳуқуқий билими савиясини ошириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этганини, бу иш билан мунтазам шуғулланувчи ташкилот зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилишда ҳуқуқ тарғиботи матбуот маркази ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари М. Абдусаломов шу марказ раҳбари бўлди.

Хорижий мухбирлар рўйхатга олинди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирларининг фаолиятини тартибга келтирувчи асосий қоидалар тасдиқланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида хорижий давлатлар вакил қилиб юборган мухбирларнинг дастлабки гуруҳи рўйхатдан ўтказилди. Улар орасида Францияда чиқадиган «Либерасьон», Туркиянинг «Замон» газеталари, «Интерфакс» ахборот агентлиги, Россияда нашр этиладиган «Торговая газета»нинг мухбирлари бор.

Янги уюшма

22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Мажоз сулуки» уюшмаси вакилларига мазкур уюшма рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома топширилди.

Уюшманинг асосий вазифаси Ўзбекистон ва минтақа халқлари ижтимоий, фалсафий, бадиий, ахлоқий тафаккури тарихини тарғиб ва тадқиқ этиш асосида халқ маънавиятини бойитиш, комил инсонни тарбиялаш, меросимизни бугунги кун талаблари билан уйғунлаштиришга ҳисса қўшишдан иборат.

— XII асрдан бошлаб араб, форс ҳамда туркий тиллар жаҳон тиллари даражасига кўтарилган, — деди «Мажоз сулуки» уюшмасининг биринчи масъули, А. Қодирий номли давлат маданият институти жаҳон адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори Муҳаммад Имомназаров. — Шу уч тил асосида минтақанинг ягона маданияти шаклланган. Бу маданият IX-XV асрларда ғоят юксалган. Алишер Навоий уни чуқур таҳлил этган. Буюк мутафаккир шакллантирган дунёқараш асосида маънавиятга оид соҳаларда ўзлигимизни топишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

(ЎзА).

Газдан бензин

● ШУРТАНГАЗ газ конлари бошқармаси мутахассислари ташаббуси билан газдан унумли фойдаланиш ва атроф районлардаги қишлоқ хўжалик техникасини ёқилғи билан таъминлаш мақсадида барқарорлашмаган бензин ва бензин ёқилғиси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мутахассисларнинг фикрича газдан бензин ва дизель ёқилғиси ажратиб оладиган технологик қурилма лойиҳада бўлмаган. Бу фикр кейинчалик, яъни конденсатни барқарорлаштириб, ундан суюлтирилган газ олиш учун махсус технологик қурилмани ўрнатиш жараёнида юзага келган. Бош мухандис Э. Ражабов ва бош технолог Р. Сайфуллаевлар бу хайрли ишга бош бўлдилар. Тўғри, олинаётган маҳсулотнинг сифати ҳозирча қаноатланарли эмас. Зеро, унинг сифатини ошириш, юқори навли бензин олиш учун ҳаракат қилинмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЗАРДЎЗЛИК— ЎЛМАС САНЪАТ

Қадимдан Ислом дини қуввати дея улуғланган Бухоро шуҳратига бугун зардўзи чеварлар ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Кўҳна шаҳарга келган зиёратчилар кейинги вақтда Шоира Соибовани тез-тез йўқлашади.

Ўқувчилигидаёқ муаллимаси Сино Бобоқулова уни зардўзлик ҳунарига ҳаваслантирган эди. Эндиликда машҳур зар тикиш устаси марҳум Нўъмонжон Аминов мактабининг истиқболли шогирди Шоира 36 хил тикиш услубидан кўпини эгаллаб олди. Айниқса, думалоқ дўппини турлича товланадиган зар иплар билан тикишдек машаққатли нозик санъат Шоирани юртга танитди. У нафис гиламчалар, зарбоф чопон, жияклар, бежирим махси, этик ва ковушларга жило беришни ҳам ўрнига қўяди.

1985 йилда ўтказилган XII Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивалида Шоира Украина вакили София Ротару билан танишди. Жарангдор қўшиғини эшитиб бўлгач, қарсаклар остида хонандага зар дўппи кийгазди. Бу шарқона ҳадядан тўлқинланган Софияхоним Ўзбекистон вакиллари учун яна куйлаб берди...

— Шундан кейин менга санъаткорлардан буюртмалар ёғилди, — дейди ғурур билан Ш. Соибова. — Шерали Жўраев зар тўн тикиб беришимни сўради. Малика Аҳмедова мен тиккан нимча, дўппи ва ковушни кийиб миллий рақсларни ижро этди. Ёш раққоса Муаззам Ғафуровага ҳам менинг қўлимдан чиққан кийимлар ёқади.

Шоира Соибованинг ўзи ҳам ҳозир устоз, ёш қизларга ҳунарини ўргатиш билан машғул. Файзулла Хўжаев номли педагогика билим юртида ўқитувчи бўлиб ишламоқда, зардўзлик тўгарагини бошқармоқда.

Суратда: Шоира Раббим қизи Соибова.

А. БАФОЕВ.
В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Ҳажвчи адиблар ижодидан

Умумхўжалик янги ташкил этилган йили Шакарқишлоққа битта трактор юборилибди. Бир тўп азамат уни молхонага тўс-тўполон билан итариб кириб, олдидаги оҳурга ем сола бошлашибди.

* * *

Ширинқишлоқликлар ўзлари тузган умумхўжаликка Ворошилов номини беришиб, идора қаршисига Роза Люксембургнинг ҳайкали ўрнатишган экан.

* * *

Қачон қараманг, Мусавой хўрозбоз дарвозаси ёнида жангари даканини силаб ўтирганн-ўтирган. Самад қассоб бир куни у тарафга ишора қилиб деди:

— Шу уч қадоққина ғўштни ярим йилдан бери маҳаллага кўз-кўз қилади-я.

* * *

Полосонлик Раҳмон акани ҳамма Раҳмон-сигарет дер эди. У чойхоначилик қилган даврда гоҳ марғилонлик, гоҳ чимёнлик, гоҳ риштонлик чапанилар: «Олтиариқдаги самоворга борамиз, Раҳмон акани оғзида сигарети бўлса сенлар, бўлмаса бизлар ош қилиб берамиз», деб тарафма-тарафига гаров ўйнаб келишар ва сигаретга тикканлар ҳар сафар ютар экан. Ҳаддан зиёд кўп чекишига қарамай, ҳарқалай ошини ошаб, ёшини яшаб ўтган бу улфатижон инсон ҳақида кўп таърифлар юради. Мана, шулардан баъзилари:

Ош еяётганда ҳамтовоқлари сигаретли қўлини ушлаб туришаркан — сигаретни овқат билан адаштириб қўймасин деб.

Ҳаммомга тушса, оғзидаги сигаретни ҳўл қилмаслик учун фақат жағидан пастини ювар экан.

Ухлаганда, хуморбостига ис олиб туриш учун қуруқ мушткни тишлаб ётаркан.

Сартарош унинг ўнг юзидаги соқолини қираётганда сигаретини оғзининг чап томонига олиб тураркан.

Агар у поезднинг охирги вагонига ўтирса, ҳатто станция назоратчилари ҳам у томонда тутун чиқараётгани поездми, бу томондагисими, деб иккиланиб қолишаркан.

Узоқ вақт учрашмаган бир қадрдони билан ўпишиб кўришмоқчи бўлиб, сигаретда бурнини қуйдириб қўйган экан.

Раҳмон ака маҳалласидаги дўкончи билан аразлашиб сигарет олмай қўйса, ўша ойда савдо плани бажарилмай қоларкан...

* * *

Эллигинчи йилларда Маъмур ака колхозда партком котиби бўлган. Запти зўр киши эди, «оқ шапка» келяпти деса, бутун Полосон аҳли далага тирқираб кетарди.

Бир куни мажлисда қолоқ бригада табелчисини кечагидан камроқ пахта тердиргани учун қаттиқ қисувга олишган экан, у «э, ўша пахтаниям...» дея сўкиниб, зардаланганича хонадан чиқиб кетибди.

Ўғли пахтани сўкиб катта сиёсий хато қилганини эшитган «тажрибали» ота эртаси каллаи саҳарда парткомнинг идорасига кириб келиб, илтимос қила бошлабди:

— Шу аҳмоқликни у қилмабди, мен қипман. Соқолимнинг оқи ҳурмати, бир кечиринг энди. Бола ҳали ёш,сабр қилсак, қуйилиб қолар.

— Майли, бу сафарча сабр қиламиз, — дебди Маъмур ака. — Между прочим, ҳукуматимизнинг феълиям меникига ўхшайди — ё сабр қилади, ё Сибирь қилади.

* * *

Бундан 30-35 йиллар олдин қора ёки тўқ кўк матохдан шалвар кийиш шу қадар русум бўлган эдики, ҳатто айрим ўқитувчилар галстукли кўйлакка шу «модний иштон»ни таранг кийиб, дарсга киришарди.

Бир куни Файзиободдаги колхозда Хрушчевнинг етти йиллик плани муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлибди. Бўлим, ферма, гараж, товуқхона бошлиқлари олдинмакетин минбарга чиқиб, бирови етти йилликни олти йилда, яна бирови беш ярим йилда бажариш мажбуриятини ола бошлади. Шунда эллик центнерчи донгдор бригадир шойи шалварда саҳнага кўтарилиб, минбарга чиқмасданоқ, гердайганича тантановор қўл чўзибди:

— Ман битта гапираман. Мани бригадам етти йиллик плонни икки йилдаёқ таппатахт...

«Таппа-тахт» деб ҳайқирган пайтда, белидаги чўзма «тарс» этиб узилиб, шалвари почасига йиғилиб қолибди...

Шундан бери бу қишлоқда бирон кимса «катта оғизлик»ни ҳаддан оширса, «ҳов, чўзманг кўтарадиганроқ гап қил», деб қўйишаркан.

* * *

Шакарқишлоқлик қўрбоши барча темирчиларни тўплаб «гап шу, қисқа вақт ичида менга бронепоезд ясаб берасизлар», дебди. Темирчилардан бири «бунга озмунча темир кетадими, қаёқдан оламиз», деб сўраса, шундай жавоб қилибди:

— Қаёқдан олардик, темирйўлни бузиб, ўша темирдан ясаймиз-да.

* * *

Ширинқишлоқлик қўрбоши чопари орқали Мадаминбекка шундай хат жўнатибди: «Қишлоғимиздаги Шўро идорасини «хап» дегунча эгаллаб, Бердиқизилни асир олдим. Менга шуёғи етади, Петирбуруғни Сизга бердим».

* * *

Шакарқишлоқлик савол берибди:

— Лайлакка бензин ичирилса, айраплонга ўхшаб қанот қоқмасдан учса керак, а?

Ширинкишлоқлик жавоб қайтарибди:

— Қўй шу ғалвани! Кейин айраплон бақа ушлашга ўтиб, шолипояларимизни пайхон қилворсасин.

Анвар ОБИДЖОН.

ОЛТИАРИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

СПОРТ

СОҲИБҚИРОН ХОТИРАСИ

● ШАҲРИСАБЗДА миллий кураш бўйича буюк саркарда Амир Темур хотираси учун халқаро мусобақа ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Тарихий манбалардан маълумки, соҳибқирон Амир Темур йигитларнинг соғлом ва бақувват бўлишига, чавандозлик, найза улоқтириш, камон отиш ҳамда беллашиш каби фазилатларга эга бўлишига алоҳида аҳамият берган. Боболар анъанаси — фарзандлар мероси, дегандек бугунги мустақил Ўзбекистон диёрида спортнинг ҳамма турлари, хусусан миллий курашни ҳар томонлама ривожлантиришга, оммавийлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Амир Темур хотираси учун ўтказиладиган халқаро мусобақа ҳам ана шундай хайрли тадбирлардан биридир.

Мусобақада МДҲ шаҳарларидан ташқари яна кўплаб хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмонларни таклиф этиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон миллий кураш федерацияси мутасаддилари халқаро мусобақага ташкилий ва тадбирий жиҳатдан пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Бундай ўзига хос савобли тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳам маъқул келиб, у киши ўзларининг шахсий совғаларини соврин сифатида мутлақ ғолибга берилишини таклиф қилдилар. Ҳозир республикамиз ҳамда Қашқадарё вилоятида халқаро мусобақани ўзига хос спорт байрамига айлантириш учун тарадуд бошлаб юборилди. Ўзбекистондан 200 полвон иштирок этиши кўзда тутилган. Турли ёшдаги полвонларнинг 10 вазн бўйича ўзаро беллашуви кўпчиликда катта қизиқиш уйғотиши кутиляпти. Бу мусобақа республикамизда миллий курашни ривож топтиришда муҳим босқич бўлиб қолади.

Агар нодон ўлса, унинг учун ўлим аянчли эмас, бир дарди бедаво ўртадан кўтарилган бўлади, холос.

Юсуф ХОС ҲОЖИБ.

ИНСОН НОМИГА ИСНОД

У Тошкент шаҳар суди залларидан бирида темир қафас ичида мўлтираб ўтирибди. Ҳайвонот боғларида учратгандим бунга ўхшаш қафасни. Ўта ваҳший, йиртқич ҳайвонларни унга солиб қўйишади. Акс ҳолда, улар томоша қилиш учун келган кишиларга зиён-заҳмат етказиб қўйишлари мумкин.

Хўш, Маҳмуджон Шакарович Дўстов нега қафасга тушди? Ахир, у одам фарзанди-ку! Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай, буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин Маҳмуджон одамларга ўхшаб тўғри йўлдан юрмади. Бу қўргулик шунинг оқибати, холос.

Маҳмуджон шу йил декабрда 25 ёшга тўлади. Чорак асрлик умри давомида у эл-юртга, қариндош-уруғларига қандай яхшиликлар қилди? Эслай олармикан?

«На инсонман, на ҳайвонман, гуноҳ лойига ботганман», деган экан бир бечора киши афсус ва надомат қилиб. Маҳмуджон-чи? Судда — темир қафас ичида ўтириб нималарни хаёлидан ўтказаётган экан-а, у? Кичиклигидаёқ ўғирликни ўзига касб қилиб олди. Ичкиликка муккасидан кетди. Бу иллатларини у фазилат деб ҳисоблади. Ҳеч кимнинг панд-насиҳати қайсар йигитга кор қилмади. Ҳамиша дўппимни чамбарак қилиб юраверамаи, деб хаёл қилган эди у. Бузоқнинг югургани сомонхонагача бўлди. Ўғирлик қилиб қўлга тушиб, судланди. Қора курсида ўтириб, юзлари қора бўлди. «Яхши отга бир қамчи» дейдилар. Маҳмуджон ҳақиқатан ҳам ёмон от бўлиб воягa етган экан. Жазо муддатини ўтаб бўлганидан кейин ҳам тўғри йўлга кирмади. Ўғрилик «касби»ни давом эттираверди. Ҳамма ундан безор. Ўтганнинг ўрнини олади, кетганнинг кетмонини. Ҳеч ким бу безорига бирор сўз айтолмайди. Ароқ улфати, «севимли ёри»га айланган Маҳмуджон Дўстов бора-бора ваҳший жондор қиёфасига кирди. Энди у ҳеч нарсадан тоймас эди.

Кутилмаганда қўшнининг Х. исмли тўрт яшар қизалоғи йўқолиб қолди. У оиланинг тўнғич, суюкли фарзанди эди. Онаси чирқираб тўрт томонга югурди, топа олмади. Кечқурун эри ишдан келгач воқеани унга айтди. Эр-хотин уйма-ўй сўроқлай бошлашди. Улар Дўстов яшайдиган уйга ҳам кирмоқчи бўлишди. Эшик олдида унинг онаси ўтирган экан. «Уйда ҳеч ким йўқ», — деб жавоб берди у.

Қизалоқнинг ота-онаси қидирувни давом эттирди. Улар маҳаллани айланиб, яна Дўстовлар хонадони олдига қайтишди. Шу пайт Маҳмуджон уйидан чиқиб қолди:

— Қизингиз олти ёки еттинчи синфда ўқийдиган нотаниш қиз билан Хастимом томонга кетаётган эди, — деди у.

Қизалоғини топа олмаган ота-она кечки пайт Собир Раҳимов район ички ишлар бўлимига хабар қилишди. Шундан кейин ҳам улар тинчишмади. Қидирув ярим кечагача давом этди. Ниҳоят улар ҳориб-чарчаб ухлаб қолган пайтларида уйларига милиция ходими келиб, қиз топилганини айтди. Воқеанинг давоми жуда ҳам даҳшатли бўлиб чиқди. Ваҳший М. Дўстов қизалоқни ўз уйига алдаб олиб кириб, унинг номусига тажовуз қилган ва жиноий ишини яшириш мақсадида уни ўта бераҳмлик билан ўлдирган экан.

Тошкент шаҳар суди аъзоси Тоҳир Назаров раислигида олиб борилган судлов мажлиси давомида одам қиёфасидаги кимсанинг ўғирликлари, бир норасида қизчага нисбатан қилган ваҳшиёна жиноий ҳатти-ҳаракатлари тўла тасдиқланди.

Судланувчига нисбатан жазо тайинлашда суд унинг ҳаракатларида жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатлар йўқ деб ҳисоблади. Ҳукм ўқиб эшиттирилди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

«Ўзбекистон республикаси Жиноят кодексининг 80-моддаси 6- ва 8-бандлари билан олий жазо — ўлим жазосига ҳукм қилинсин».

Маҳмуджон Дўстовнинг аллақачон юмилиб кетган кўр кўзлари ярқ этиб очилганди. Афсуски, энди кеч бўлганди.

...Судланган Дўстовнинг ҳимоячиси ва унинг ўзи томонидан берилган кассация шикояти Ўзбекистон республикаси Олий суди жиноий ишлар судлов коллегиясида атрофлича текширилиб, ҳукм ўз кучида қолдирилди.

Ўшандан буён орадан бир неча кун ўтди. Ҳали яна турна қатор бўлиб йиллар ўтади. Лекин ўшанда ҳам М. Дўстовнинг манфур кирдикори унутилмайди. «Яхшидан от, ёмондан дот қолади» деб шунга айтадилар-да!

Усмон ЮСУПОВ.

ТАЛОН-ТОРОЖГА ЙЎЛ ЙЎҚ

ЧОЙ ЎЗИМИЗДА ДАМЛАНАДИГАН БЎЛДИ

● Челак тумани ички ишлар бўлими ходимлари яна бир сергаклик кўрсатишди. Йўқса, Қирғизистон пойтахти Бешкекка бораётган «саёҳатчилар» бир ярим тоннага яқин ҳинд ва индонез чойини, минг сўмликдан кўпроқ кир совунни олиб чиқиб кетган бўларди.

Ушбу факт юзасидан текшириш ўтказилганда Челак ва Эшимоқсоқ матлубот жамиятлари бир қанча сотувчиларининг мазкур ишга даҳлдорлиги аниқланди.

— Чой воқеаси ягона ҳодиса эмас,— дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғи И. Неъматов. — Яқинда қўлбола спиртдан арақ тайёрлаб сотаётган кишилар тузоққа илинди, Туркиядан инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилган шакарни ўмараётган икки гуруҳ ҳам қўлга олинди.

(ЎзА).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲАМЗА НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ БЎЛИМЛАРДАГИ ҚУЙИДАГИ БЎШАГАН ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Санъат тарихи: мудир (фан доктори), илмий ходимлар—етакчи (1, фан доктори), катта (4, фан докторлари, номзодлари), илмий (2) ва кичик (3, фан номзодлари, олий мутахассислар).

Театр ва хореография: мудир (фан доктори), илмий ходимлар — бош (1, фан доктори), етакчи (1, фан доктори), катта (7, фан докторлари, номзодлари), илмий (2) ва кичик (1, фан номзодлари, олий маълумотли мутахассислар).

Мусиқа тарихи: мудир (фан доктори), илмий ходимлар — етакчи (1, фан доктори), катта (3, фан докторлари, номзодлари), илмий (2) ва кичик (1, фан номзодлари, олий маълумотли мутахассислар).

Замонавий мусиқа ва фольклор: мудир (фан доктори), илмий ходимлар — бош (1, фан доктори), етакчи (1, фан доктори), катта (4, фан доктори, номзодлари), илмий (2) ва кичик (1, фан номзодлари, олий маълумотли мутахассислари).

Тасвирий санъат: мудир (фан доктори), илмий ходимлар — етакчи (1, фан доктори), катта (2, фан докторлари, номзодлари), илмий (1) ва кичик (1, фан номзодлари, олий маълумотли мутахассислар).

Амалий санъат: мудир (фан доктори), илмий ходимлар — катта (2, фан докторлари, номзодлари), илмий (2) ва кичик (1, фан номзодлари, олий маълумотли мутахассислар).

Меъморчилик: мудир (фан доктори) илмий ходимлар — етакчи (1, фан доктори), катта (3, фан докторлари, номзодлари), илмий (2) ва кичик (2, фан номзодлари, олий маълумотли мутахассислар).

Кино ва телевидение: мудир (фан доктори), илмий ходимлар — катта (5, фан докторлари, номзодлари), илмий (2) ва кичик (2, фан номзодлари, олий маълумотли мутахассислар).

Маданиятшунослик: мудир (фан доктори), илмий ходимлар — катта (1, фан доктори), илмий (1) ва кичик (1, фан номзодлари, олий маълумотли мутахассис).

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2.

Телефонлар: 39-46-75, 39-46-77.

Киров район улгуржи-чакана мева-сабзавотлар корхонасининг

101 388	101 395
101 389	101 396
101 390	101 397
101 391	101 398
101 392	102 399
101 393	102 400
101 394	

рақамли йўқолган давлат квитанциялари ва корхонага қарашли 3-омборнинг йўқолган муҳри

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Юнус-Обод районига қарашли улгуржи-чакана мева-сабзавотлар корхонаси ўзининг барча дўконларида аҳолидан чекланмаган миқдорда йиртилмаган ҳолдаги ишлатилган сабзавот қопларнинг ҳар донасини 6 сўм нақд пулга сотиб олади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг

2-ТОШКЕНТ ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Зебо Шамсутдинова кўчаси, 2-уй.

Телефон: 90-37-21.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси газета таҳририятининг ходими Р. З. Аҳмадалиевга отаси

Зуҳриддин АҲМАДАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради ва марҳумнинг яқинларига яратгандан сабру бардош тилайди.

«Ўзбекгазқурилиш—1» махсус ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж трестининг маъмурияти, жамоа ташкилоти «Средазгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори Ш. А. Аҳмедовга отаси

Аҳмад СУБАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда—33-44-51, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583.

Буюртма № Г—217.

№ 145.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.